

## ПУБЛИЦИСТИК МАТНДА ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ЛЕКСИКАНИНГ МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ОМИЛЛАРИ

**Гаппаров Алибек Қаршибоевич**

*Самдымчбу хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси Самарқанд, Ўзбекистон,  
ali\_bek85@mail.ru*

---

### ARTICLE INFO.

---

**Калит сўзлар:** публицистик матн, менталлик, тил маданияти, миллий-маданий стереотиплар, ижтимоий-сиёсий лексика, газета тили, тараққиёт, тил сиёсати.

---

### Аннотация

---

Маълумки, менталлик коммуникация жараёнида, матн тузишда бош омил бўлиб хизмат қиласи ва матннинг менталлик хусусияти сифатида талкин қилинади. Зоро, ўзаро коммуникацияга кириш жараёнида “инсоний интеграция тури тушуниладики, мулоқот чоғида тил воситалари ёки умуман белгили система воситалари ёрдамида муайян релевант когнитив-амалий вазифаларни ҳал қилиш мақсадида икки томонлами ахборот алмашинуви” содир бўлишини англатади. Айтиш жоизки, замонавий тилшуносликда тил оддий мулоқот ва тафаккур куроли сифатидагина эмас, балки миллат маданияти кўзгуси сифатида ўрганадиган йўналишларда фаол равишда ривожланмоқда. Тил нафақат инсонни курсаб турган реал олам, балки у халқнинг менталитети, унинг миллий характеристики, одатлари, анъаналари, мантиқи, хулқ-атворлар тизими, сиёсий ва ижтимоий дунёқарашини ҳам акс этадиган маданият ойнасидир. Шунингдек, тил маданият ташувчисидир, чунки айнан тил орқали маданият авлоддан-авлодга ўтади. Тил менталитет, анъана ва одатларни ҳамда ўзига хос оламни тушуниш усулини айнан тил орқали қабул қиласиган инсонни шакллантирувчи қуорол сифатида қаралади. Санаб ўтилган барча жиҳатлар тилнинг моҳиятини билдиради.

<http://www.gospodarkainnowacje.pl> © 2023 LWAB.

Жамият ҳаётида тилнинг тутган ўрни бекиёсdir. Инсоният тарихининг ҳамма босқичларидағи ҳозирги даврда ҳам тил жамият тараққиёти ва инсоният тақдирида мухим роль ўйнамоқда. Зоро, ҳозирги замон ҳаётининг буюк кашфиётлар асли, фан ва техника ривожланаётган давр ҳисобланади ҳамда бу нафақат янгидан янги кашфиётлар балки ижтимоий-сиёсий жараёнда ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришлар билан боғлиқ жараёндир. Дарҳақиқат, тил ҳамжамиятиянинг энг мухим белгиларидан бири ҳисобланади. Социологияда тил ва маданият масалалари деганда, бир тил ҳамжамияти аъзолари фойдаланадиган алоқа воситаси тушунилади. Маълумки, ҳар бир тил ҳамжамияти маълум бир тил меъёридан фойдаланади. А.А.Бурячок ижтимоий-сиёсий терминологияни терминологик луғатнинг маҳсус катлами сифатида эътироф этади ва уни функционал жиҳатдан чекланган терминологик тизимлар ўртасида оралиқ ўринни эгаллайди шунингдек, хиссий экспрессив бўёқлардан маҳрум ва тез-тез ишлатиладиган адабий луғат билан

доимий алоқада бўлади деб ҳисоблайди<sup>1</sup>.

Англашиладики, тил ва маданиятнинг ўзаро боғлиқлиги бир томонлама ҳаракат кабидир, чунки тил ҳақиқатни акс эттиради, маданият эса шу ҳақиқатнинг ажралмас қисмидир, худди шу каби тил ҳам маданият акси бўлиб, агар ҳақиқат ўзгарадиган бўлса, миллий-маданий стереотиплар ҳам ўзгаради, тилнинг ўзи ҳам ўзгаради. Чунки миллий-маданий стереотиплар ҳар доим тилда акс этган. Улар ҳақиқатнинг, реал оламнинг, маданий дунёқарашнинг ўзгариши билан ўзгарадиган бўлса, бунинг натижасида тилда ўз ифодасини топади. Шу тарзда, маданиятнинг тилга бўлган таъсири аниқ, равшан бўлса, унда тилнинг маданиятга бўлган акс таъсири ҳозирча ечилимаган муаммолардан биридир.

Сиёсий-ижтимоий лексиканинг миллийлик хусусиятлари бевосита ҳалқ менталитети билан боғлик ҳодиса саналади. Маълумки, менталитет ҳаётнинг, хулқ-автор ва хатти-харакатларнинг турли жиҳатларига бўлган шахсий ва жамоавий муносабатларнинг туб асосларини тавсифлайди. Менталитет “шахсий, сиёсий ва ижтимоий онгнинг критериал асосидан иборат”<sup>2</sup> дея таъкидлаш ҳам мумкинлиги А.А. Леонтьев томонидан билдирилган.

Б.С.Гершунский менталитетни қўйидаги гурухларга бўлади:

1. Муайян шахс даражасидаги *индивидуал менталитет*;
2. Гурухлар, жамоалар, ҳамжамиятлар миқиёсидаги *ижтимоий менталитет*;
3. Барча гурух, жамоа ва ҳамжамиятларни билаштирувчи жамият, яъни бутун ҳалқ даражасидаги *социумга хос менталитетни* фарқлаш тақлиф этилади<sup>3</sup>.

Шу муносабат билан айтиш жоизки, менталитет ва маданият нисбати, миллий фикрлаш парадигмасининг этник жамиятнинг муайян турмуш тарзи билан боғлик ҳодиса бўлиб, зеро, “миллий тил фикрлашнинг базавий омили сифатида тил эгаларига тилга оид аниқ одатлар воситасида фикрларни баён этишнинг муайян усулидан фойдаланиш имкониятини тақдим этади”<sup>4</sup>.

Шуни таъкидлаш лозимки, мулоқотнинг миллий услубини яъни фикрлаш, қабул қилиш, ҳаракатнинг ўзига хос кенг тарқалган, ишонарлироқ хусусиятларини ҳисобга олиш лозим. ОАВда тилдан фойдаланиш жамоанинг фаолиятида хулқ ва хатти-харакатлар бирлигини акс эттиради.

Дарҳақиқат, газета публицистик услуг доирасида мамлакатда юз берадиган сиёсий ва ижтимоий вазиятларни ёритишда ва уларда ижтимоий-сиёсий лексика ҳам миллат менталитетининг таъсири остида шаклланади. Сиёсий мавзуга таълуқли нашрларда миллийлик акс этган ҳолатлар кузатилади. Масалан, “Демократик партиялар минтақавий ва маҳаллий тизимлар ҳамда жамоавий бирликлар билан мустаҳкам алоқада бўлиб, улар умуммиллий мақсадлар руҳини дастлаб шу ҳудудлардан олади” (ЯЎ. 2021.12.04); “Одамнинг, замоннинг қиёфаси ўзгариб борар, одамийликнинг формуласи эса ҳеч қачон ўзгармайди!” (Хуррият. 21.04. 2020); “Ҳар бир ишга меҳр билан, бор имкониятларни ишга солиб ҳаракат қилинса, натижса беради, самара беради” (Хуррият.17.06.2020); “Қийинчилеклар, уқубатлар, оммавий синовлар бирлаштирган ҳалқнинг меҳру муҳаббати ҳақидадир. Ўзганинг ғамини ўз юрагининг энг ҷўққисига кўтариб, уни шахсий дардига айлантира билгани тўғрисидадир” (Хуррият. 21.04. 2020) ва ҳ.к.

<sup>1</sup>Бурячок А.А. Формирование общего фонда социально-политической лексики восточнославянских языков .Дисс... доктора филол.наук. –Уфа, 1984. – С.22.

<sup>2</sup>Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы порождения речевого высказывания. – М.: Наука, 1969. -С. 57- 58.

<sup>3</sup>Гершунский Б.С. Ментальность и образование: учебное пособие для студ. – М.: Ин-т. Прак. Псих, 1996. – С. 142.

<sup>4</sup>Седых А.П. Языковая личность и этнос (национально–культурные особенности коммуникативного поведения русских и французов). – М.: Компания Спутник+, 2004. – С. 87 - 88.

Миллийликка йўғрилган ижтимоий лексика жамиятда оиланинг ўрни борасидаги ёритилиётган мавзуларда кузатилади: “... оила ҳаётнинг давомийлигини, яъни авлодларни ҳаётга учирма қиласиган, барҳаётликни таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни ўз бағрида асрайдиган, шу билан бирга, келажак авлод қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоги эканлигини ҳар доим ёдда тутмогимиз керак” (Хуррият. 17.06.2020); “Ватанимизнинг ҳақиқий баркамол фуқаролари бўлиб вояга етишларига шубҳа йўқ; “Миллий анъаналаримизга назар ташласак, ҳалоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби инсоний фазилатлар, энг аввало...” (Адолат. 12.03.2020); “Зоро, оила фаровонлиги – миллат фаровонлиги асосидир” ва ҳ.к.

Дарҳақиқат, ўзбек матбуоти нафақат бутун борлиқдаги воқеа ҳодисаларни ёритиш балки унинг биринчи вазифаси ҳалқнинг ижтимоий, сиёсий, маданий, диний онгини ўстиришга қаратилган бўлади. Айниска, сиёсий-ижтимоий газеталар эса ҳалқ миллий характерини, стереотипини, урф-одатларини, қадриятлар тизимини, менталитетини ҳам акс эттиради. Медиа оламида тил орқали оламнинг лисоний манзараси яратилибгина қолмай, унинг асосий мақсади миллий маданиятини акс эттирибгина қолмай, маданиятни сақлаб қолиш ҳамда уни авлоддан авлодга етказишига воситачи бўлади. Шунинг учун ҳам медиа орқали этник ҳамжамият, ҳалқ, миллат шаклланиши жараёни амалга оширилади. Ҳар бир жамият, миллат ва давлат ўз тилидан миллийлик хусусиятидан келиб чиқиб фойдаланади.

Газета публицистик матнда диний лексикани ижтимоий-сиёсий лексика таркибида келиши, дин инсон эътиқоди, маънавияти ахлоқий ва эстетик тасаввурлари билан мураккаб дунёқарашни шаклланишида алоҳида ўрни борлигини кўрсатади. Масалан, “... нисбатан бундай муносабатда бўлиши на мусулмончилик қоидаларига, на бизнинг шарқона маданиятимизга тўғри келади. Қолаверса, муҳтож одам бирор берган бир бурда нонни ҳам миннатдорчилик билан қабул қиласди” (Хуррият. 23.05.2021); “Курбонлик Кимларга Вожиб” (Хуррият. 12.06.2021); “Яратганга шукрки, муҳтарам Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Президенти этиб сайланганларидан сўнг АДОЛАТ қарор топди. Сўнгги уч йилдан буён ...” (Хуррият. 02.07.2020); “Биздан талаб қилинаётгани – шахсий даҳлдорлик ҳисси билан яшаши, холос. .... ҳалқимиз манбаатлари йўлида мураккаб карантин шароитида ҳам ўз фаолиятини тўхтатмаётган фидойи инсонларимизни дуо қиласилик, олқишилайлик. Қалбан улар билан бирга эканлигимизни айтайлик...” (Хуррият. 14.06.2020) ва ҳ.к.

Нутқий хулқнинг ўзига хос жиҳатлари миллий ва маданий жиҳатдан бетакрордир. Муайян жамиятда тарихан шаклланган нутқий хулққа нисбатан қўйилган талаблар мана шу жамиятнинг қадриятлар системасини акс эттиради.

“Ҳар нарсанинг уволи ва заволи бор. Истроф, албатта, яхшиликка олиб келмайди, ўз асоратини, жазосини кўрсатади. Бугунги интернет оламидаги мулоҳазасизлар “мулоҳаза”си чинакамига сўз уволидир. Уларда маъно йўқ, мазмундан ийроқ, мақсади пуч: фисқу фасод, ғийбат, ифво, тухмат. Ўзингиз ҳам бир бегона одамнинг жавобидан асабийлашиб, бош ушлаб ўтирасиз. Аслида бу ўйлашига арзийдими? Нега фикр билдиришига муносиб минбарлар ахтармайсиз? Нега маънавий дам олии борасида китобга, газета-журналларга суюнмайсиз? Нега гуруҳ ва каналларга қарамлиқда давом этајпсиз?” (Хуррият. 12.07.2021); “Мулоқот имконияти – бизга аталган неъматлардан бири. Ироди ишига солинса, теран тафаккур ва қалб амрига қулоқ солинса бас” (ЯЎ.№ 7.2020.)

**Коммуникатив хулқ меъёрлари ҳақида сўз юритар экан, И.А. Стернин, уч жиҳатни яъни умуммаданий, ситуатив (вазиятга оид) ва индивидуал меъёрларни ажратиб кўрсатади. Ўзбек нутқий хулқини миллий менталитет орқали кўриб чиқиша биз бу таснифни асос қилиб оламиз. Шу нуқтаи назардан умуммаданий меъёрлар, айниқса, муҳим аҳамият касб этади.**

Турли метафорик турғун бирималар - *давр талаби, дўстона сухбат, юқори ҳосил учун кураш, яратувчилик ишилари, дунё ҳамжамияти, мустақил мамлакатлар ҳамдўстлиги, мустақилликни мустаҳкамлаш* кабиларни қўллаш ҳам публицистик услуг табиатига ҳосдир. Шунингдек, сўроқ ва риторик сўроқлардан фойдаланиш ҳам кузатилади.

ОАВ нутқий тенденцияларини миллий менталитет орқали таҳлил қилиш пайтида яна шу ҳам эътироф этиладики, ўзбекча хулқ стереотипи тилда номақ бил сўзлар, жаргонлар ва табу сўзларнинг ишлатилиши устидан қатъий назоратни кўзда тутади. Бу ўринда коммуникатив хулқ меъёрлари ҳақида сўз юритиш мақсадга мувофиқдир. Албатта, ижтимоий-сиёсий мавзуларда баҳолаш контексти орқали ишонтиришда қўпол сўзлардан яъни салбий муносабат билдиришда фойдаланиш холати мавжудлиги кузатилади: “*Аммо қўнгилда хотиржамлик бўлмаса ақл ўз измини ички тугёнга етакловчи талвасага, ховлиқмаликка бериб қўяди. “Қўрқандан ховлиққан ёмон”, мақоли бежиз айтилмаганини ҳисобга олсан...*”; “*Ахир бу жсаноблар хизмат ҳақларини таҳририят ва нашириётлардан бир йил олдин қуртдек санаб олиб қўйшишади-ку?!* *Бошқача айтганда, бу халқнинг, обуначининг пешона тери билан топган пули-ку!*” (Хуррият. 11.01.2023) ва ҳ.к.

Англашиладики, газетада нутқ хулқининг умуммаданий меъёрларини билиш ва уни қўллаш ҳақида И.А. Стерниннинг фикри ўринли бўлиб, у “улар бутун лингвомаданий ҳамжамиятга хос ва кўп жиҳатдан қабул қилинган одоб, хушмуомалалик қоидаларини акс эттиради; улар миллий жиҳатдан ўзига хос бўлади”, дея қайд этади<sup>5</sup>.

Куйида, ўзбек газета-публицистик услубида ижтимоий-сиёсий лексикада толерантликни: *кишиларнинг қувончи; юрт тинчлиги; Ватан равнақи; турмуши фаровонлиги; халқ бунёдкорлиги* каби хислатлар орқали ифодаланади ва ўз ўрнида бунда сиёсий лексика билан бирга ижтимоий лексикага оид тил бирликлари қўлланилади.

Ўзбекистондаги тинч-тотувликдан далолат берувчи хусусиятлар қаторига Президентимизнинг табриклиарини келтириб ўтишимиз мумкин:

### **Қадрли ватандошлар!**

*Сиз, азизларни, кўпмиллатли бутун ҳалқимизни кириб келаётган Янги йил билан чин қалбимдан самимий табриклайман. Барчангизга ўзимнинг юксак ҳурматим ва эзгу тилакларимни билдираман. 2022 йилда машаққатли ва жасоратли меҳнатимиз билан тараққиёт ўйлида муҳим марраларга эришидик. Инсон қадрини улуглаш, ҳалқимизни рози қилиши борасида янги қадамлар қўйдик. Дунёдаги гоят мураккаб вазият, глобал инқирозга қарамасдан, Ўзбекистон иқтисодиёти изчил ривожланмоқда. Миришкор дехқон ва фермерларимиз фидокорона меҳнат қилиб, мўл ҳосил етиширдилар. ... Ватанимизни дунёга танитмоқда. Халқ овози бўлган маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсири кучаймоқда. Энг муҳими, юртимизда тинчлик ва барқарорлик, миллатлар ва динлараро тотувлик ҳукм сурмоқда. Ўзбекистонимизнинг жаҳон ҳамжамиятидаги обрў-эътибори юксалмоқда. ... Мухтасар айтганда, жонажон Ватанимизда ҳеч бир инсон жамиятимиз ва давлатимизнинг меҳри ва эътиборидан четда қолмайди. ... Қалбларимиз пок ниятларга тўлиб турган ушибу қувончила лаҳзаларда сизларни, ... Янги йилнинг қадами қутлуғ келсин! Барча эзгу ниятларимиз*

<sup>5</sup> Стернин И. А. Понятие коммуникативного поведения и проблемы его исследования. Русское и финское коммуникативное поведение. – Воронеж: Изд-во ВГТУ, 2000. – С. 20.

*амалга оисин! Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин! ...*

Шавкат Мирзиёев,

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Келтирилган сиёсий табрикдан кўриб турибмизки, сиёсий матнда бадиий ҳамда публицистик услуг элементларини қоришувини кузатамиз: *рози қилиши, пок ният, юксак ҳурмат, давлатимизнинг меҳри, миришкор дехқон, фидокорона меҳнат, юксак ҳурмат, эзгу ният, қадами қутлуғ, қалб поклиги ва ҳ.к.* Сиёсий лексика: *тараққиёт йўли, глобал инқироз, Ўзбекистон иқтисодиёти, изчил ривожланмоқ, маҳалла, жамият ва ҳ.к.*

Зеро, тил кўпинча маданият ойнаси билан таққосланади: “унда нафакат инсонни ўраб турган реал дунё, фақат унинг турмушига хос реал шароитлар эмас, балки халқнинг ижтимоий онги, унинг менталитети, миллий характери, турмуш тарзи, анъаналари, урф-одатлари, ахлоқи, қадриятлар системаси, дунёга нисбатан нуқтаи назари акс этади”<sup>6</sup>. Сиёсий табрикларда этикет формуласалири эса ўзининг расмийлиги билан ажралиб туради. Кузатишлардан маълум бўляяптики, ана шу формулалар ҳам миллийлик хусусиятларидан келиб чиқсан ҳолда кўлланилади.

Мазкур фаслда тил бирликлари, хусусан, ижтимоий-сиёсий лексиканинг *лингвомаданий* аспектларини таҳлил қилиш мақсад қилиб қўйилган. Зеро, лингвокультурология замон ва макон тушунчаларидан қатъий назар лисоний фактларни маънавий-маданий хусусиятлари орқали тадқиқ этади ва айнан мана шу каби хусусиятлар тадқиқот натижаларида ўз ифодасини топган.

Э.Сэпирнинг фикрича, тил фикрларни ифодаловчи оддийгина восита сифатида эмас, балки унинг ўзи фикримизни шакллантиришга сезиларли таъсир кўрсатади<sup>7</sup>. Дарҳақиқат, тил ва маданиятнинг, тил ва тафаккурнинг ўзаро боғлиқлигини жиддий ўрганувчи барча тадқиқотчилар бу назарияга мурожаат қилишади, чунки айнан шу гипотеза ёрдамида тилнинг бошқа усул орқали тушунтириб берилиши қийин бўлган хусусиятларини англаб олиш мумкин. Тафакур ифодаси — сўз, реалликдаги предметнинг ўзини эмас, балки унинг тилда сўзлашувчи тафаккуридаги шу предмет тўғрисидаги тушунчасини акс эттиради. Тушунча эса уни шакллантирадиган асосий белгиларни умумлаштириш даражасида тузилади ва шу сабабли, конкрет белгилардан холи тарзда абстрактликни ифодалайди.

Ҳозирги даврда турли давлатлар ўртасида кўп томонлама муносабатларни шакллантириш ва ривожлантириш, жамиятни бошқаришда нафакат ўз ҳалқининг хусусияти балки, ҳалқаро миқёсда қабул қилинган ва кенг тарқалган тартиб-қоидалар, сиёсий хабарлар, уларни таҳлили публицистик услуг доирасида яратилмоқда ва шакллантирилмоқда. Буни сиёсий миллий дунёқарашнинг кўриниш ҳолларида кузатамиз. Куйидаги мисол бунинг яққол далилидир:

*“Мамлакатнинг иқтисодий очиқлиги ҳамда инвестициялар ва бизнес учун жозибадорлиги, барча муаммоли масалаларни яқдиллик, ўзаро ҳурмат ва ҳамжисхатлик асосида ҳал этишига интилиши, дунёнинг етакчи давлатлари ва бошқа мамлакатлари билан мувозанатли ва ўзаро манфаатли алоқалар юритиши, сиёсий ишонч ва ҳалқаро ҳукуққа риоя этилиши асосидаги ўзаро ҳамкорликка интилиши – бизнинг хорижий шерикларимиз Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсий курсни айнан ана шундай тавсифламоқда”* (UzA. 11.04.20).

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш жоизки, биз буни миллий менталитетнинг давлат сиёсатида ўз аксини топишининг яққол мисоли, деб қарашимиз тўғри бўлар эди. Зеро, миллий дунёқараш, миллий менталитетнинг сиёсатга бевосита ва билвосита таъсири хақидаги бундай

<sup>6</sup>Стернин И. А. Кўрсатилган асар.

<sup>7</sup> Сепир Э. Избранные труды по языкоznанию и культурологии. – М.: Прогресс. Универс, 1993. – 654 с.

мисолларни жуда кўп келтириш мумкин.

Биз миллий дунёқараши билан бирга маданий дунёқараши тушунчаси ҳақида тўхталиб ўтамиз. Маданий дунёқараши ўзга жамият вакилининг лисоний дунёқараши ва ундан келиб чиқадиган мулоқоти ҳамда хулқ-атвори ҳам ўзгача бўлади. Жумладан, маданиятнинг турлилиги натижасида бир тилнинг турли кўринишларга эга бўлиб қолганлигига ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг кўринишларида мавжуд. Зеро, А.Вежбицкаянинг фикрича, нутқий фаолиятда акс этадиган маданий меъёрлар нафакат турли тилларда, балки бир тилнинг регионал ва ижтимоий шаклларида ҳам фарқланади. Олима бу ҳақда қўйидагиларни ёзди: “...турли маданиятлар турли нутқ фаолияти тизимларида ўз ифодасини топади, турли нутқ фаолияти эса турли тилларда ўрнашади ва сақланиб қолади”<sup>8</sup>.

Ўзбек тилида чоп этилувчи газеталарнинг ижтимоий-сиёсий мавзуларга доир мақолаларда ахлоқий, миллий, ва маънавий концептларнинг қўлланиши кузатилди: *Ватан, ватанпарварлик, мамлакат, эзгулик, инсонийлик, муҳаббат,adolat, қонунийлик, ҳокимият, меҳр-оқибат, одамийлик, ишионч, очиқлик, тарбия, иймон, инсоф, фаровонлик, садоқат, барқарорлик, кафолат* ва бош.

*“... XXI аср глобал тенденцияларининг мамлакатимиз ташқи сиёсати устувор йўналишиларига таъсири муҳим масала бўлиб, шубҳасиз, у Ўзбекистон дипломатиясининг кун тартибида доимо долзарбдир”* ва ҳ.к.

*“Халқаро майдондаги вазият ва юзага келаётган ҳар қандай таҳликадан қатъи назар, давлатимиз мустақиллиги ва суверенитети, хавфсизлиги ва барқарор ижтимоий-иктисодий тараққиёти ҳамда барча фуқароларимиз фаровонлиги ишиончли тарзда таъминланиши зарур”* ва ҳ.к.

*“Президентимиз Шавкат Мирзиёев Марказий Осиё давлатлари — бизнинг бевосита кўшиниларимиз билан дўста, яқин қўшиничилик ва ўзаро манфаатли алоқаларни ривожлантириши ва мустаҳкамлашини асосий устувор ташқи сиёсий йўналиши сифатида белгилаб берди”* ва ҳ.к.

*“Бугунги кунда Ўзбекистон билан Афғонистон ўртасида сиёсий, савдо-иктисодий ва маданий-гуманитар алоқалар ривожланиб бормоқда. Афғонистон хавфсизлигини мамлакатимиз хавфсизлиги ва бутун минтақанинг барқарорлиги ва фаровонлиги кафолати, деб қабул қилмоқдамиз”* ва ҳ.к.

*“Сўнгги уч йилда Ўзбекистон Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигидаги интеграция жараёнларидаши шитирокини фаоллаштириди. Ҳамдўстлик давлатлари билан тарихий, биродарлик алоқаларимизга таяниб, Тошкент МДҲ доирасида кўп томонлама ва икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашининг қатъий тарафдоридир”* ва ҳ.к.к.

Агар бу масалага эътибор билан ёндашадиган бўлсак, давлат сиёсати ва унинг ҳалқи хусусияти ўртасида чамбарчас боғлиқликлар борлигини кўрамиз, чунки ҳар бир давлат ўз сиёсатида биринчи навбатда ўз ҳалқининг манфаатини кўзда тутади. Зеро, “Ижтимоий-сиёсий лексика мафкуравий хусусиятга эга бўлган ижтимоий фанлар терминологиясининг бир қисмидир”<sup>9</sup>. Бу ҳолда мафкуралаштириш шароитида она тилида сўзлашувчиларнинг мафкуравий қарашларининг лексик-семантик бирликларида акс этишини тушуниш керак: *муносабатларнинг энг муҳим жиҳати; минтақалараро ўзаро боғлиқлик; сиёсий барқарорлки; биродарлик алоқалар; икки томонлама ҳамкорлик; ҳамкорликни чуқурлаштириши; саъй-ҳаракатлар; шериклик, мустаҳкам пойдевор; келажакка йўналтирилган; стратегик шериклик; тинчлик жараёни; стратегик қарашлар; ижсобий баҳоланмоқ, минтақавий ҳамда ҳалқаро савдо-иктисодий*

<sup>8</sup> Wierzbicka, A. Cross-cultural pragmatics: The semantics of human interaction. – Berlin: Mouton de Gruyter, 1991. – Б.26.

<sup>9</sup> Мечковская Н.Б. Социальная лингвистика. – М.: Аспект-Пресс, 1996. – 205 с.

муносабатлар; биродарлик ришиналари; халқаро миқёс; муаммо ва таҳлика ва ҳ.к.

Ушбу сиёсий лексикаларни публицистик матнда қўлланилишига қуйидагиларни мисол қилиш мумкин:

“... муаммосини ҳал этишидаги **стратегик қарашиларига**, шунингдек, давлатимиз раҳбари томонидан мамлакат ташқи **сиёсатининг асосий устувор йўналишиларини** аниқ белгилаб олинганига асосланади”;

“... можаросини ҳал қилиши бўйича **халқаро саъй-ҳаракатларнинг фаоллашишига**, **тинчлик жараёнини** илгари суришга қаратилган минтақавий савдо-иктисодий ва инфратузилмавий лойиҳаларга ушибу мамлакатни жалб қилишга олиб келди”;

“Буларнинг барчаси Ўзбекистон билан Россия ўртасидаги **шериклик мустаҳкам пойдеворга** эга экани ва **келајсакка йўналтирилганидан** далолат беради”;

“Икки давлат раҳбарлари “Стратегик шерикликнинг янги даври бошланиши тўғрисида”ги қўшима баёнотни қабул қилдилар ва ўз **саъй-ҳаракатларини** ҳамкорликнинг ўзаро **манфаатли соҳаларини** ривожлантишига йўналтирилдилар”;

“Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ижобий баҳоланди ва қўллаб-қувватланди. Бу Ўзбекистоннинг рейтинги ва халқаро имижига ижобий таъсир кўрсатди”;

“Мазкур ҳужжатда **минтақалараро ўзаро бөглиқликни** ривожлантириши, Марказий Осиё давлатларининг **сиёсий барқарорлиги** ва изчил тараққиётини Европа Иттифоқи томонидан қўллаб-қувватлашга эътибор кучайтирилди”.

“Ҳамдўстлик давлатлари билан тарихий, **биродарлик алоқаларимизга** таяниб, Тошкент МДҲ доирасида кўп томонлама ва **икки томонлама ҳамкорликни** янада мустаҳкамлашининг қатъий тарафдоридир”<sup>10</sup> ва ҳ.к.

Маълумки, соҳавий лексемалар мафкуралаштиришнинг метафоризация, метонимизация, омонимизация, синонимизация, эвфемизация, маънонинг эмоционал-баҳо компонентининг ўзгариши каби усуллари натижасида ғоявий ранг-барамгликка эга бўлади. Улар нафақат муайян тилнинг ўз сўз ясаш имкониятлари, сўз ясаш усул ва моделлари асосида ҳосил бўлиш билан бирга ҳар қандай лексика соҳа таркибида киррар экан, уларнинг миллий-маданий ҳослишка эга бўлади.

Маълумки, ижтимоий-сиёсий лексика умумхалқ ва маҳсус мулоқотда қўлланадиган турли тушунчаларни акс эттирувчи лексик воситалар тизими билан бир қаторда у муайян лингвокультуреналарни ҳам ўз ичига олади. У фан, лингвокультурология ва ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг бошқа тармоқлари каби тилнинг лексик-семантик қатламига тааллуқли. Бундан ташқари, ижтимоий-сиёсий лексика кўп ҳолларда тилнинг умумий лексикасига ҳам яқин, айни пайтда унинг “мулки” ҳам ҳисобланади.

Англашиладики, ижтимоий-сиёсий лексика оммабоплиги ва кенг тарқалганлигини биринчи ўринда ОАВларни ўзига ҳос ўрни бор. Юқорида таъкидланганидек, сиёсатда маслаҳат, мулоҳазакорлик, ўйлаб иш қилиш деган фикр ўта муҳим. Фикр ҳозирги даврда низоли масалаларни сиёсий мулоқот, дипломатия йўли билан ҳал қилишни билдиради.

Маълумки, шу даврда халқаро доирада инглиз ва француз тиллари юқори мавқега эга эди. Айнан шунинг учун ҳам Германия оммавий ахборот воситаларида немис тилининг инглиз ва француз тилларидан устун эканлиги, XX аср немис тили аспи бўлиши, шунинг учун бутун дунё халқларининг, айниқса, инглиз ва французларнинг немис тилини ўрганишлари лозимлиги ташвиқ қилинди.

<sup>10</sup> Ушбу мисоллар УзА ижтимоий-сиёсий газетасининг турли нашрларидан олинди.

„Man liest nun in englischen Blättern die Kapitulation vollständig, welche der spanische Feldmarschall Don Carlos Espanna mit Einwilligung des Lords Bellington der französischen Befassung der Stadt und Eitabelle von Dampelune bewilligt hat.“ (Allgemeine Zeitung.I.Jan.1814) – Ispaniyalik feldmarshali Don Karlos Espanna lord Bellingtonning roziligi bilan frantsuzlar tomonidan Dampelun shahri va stolini ishg'ol qilishiga berilgan taslim bo'lish to'g'risida ingliz gazetalarida to'liq o'qiladi.

„Auf der ganzen Linie des linken Rheinufers finden sich sehr wenig versammelte Gruppen und eben so gering ist der Zuwachs der Armee, welche bei Mess steht und aus den Veberbleibfeln der grossen Armee zusammengesetzt ist.“ (Allgemeine Zeitung.I.Jan.1814) – Reynning chap qirg'og'ining butun chizig'ida juda oz sonli yig'ilgan guruhlar mavjud va Messda turgan va katta qo'shining qoldiqlaridan tashkil topgan qo'shining soni shunchalik kichikdir.

„Unter Angela Merkel kam Deutschland in der Weltpolitik an. Sie wurde zur Königin der Krisen – eine Visionärin war sie nie. Am Ende ihrer Kanzlerschaft ist Europa weniger sicher als vor 16 Jahren“. (SPIEGEL Biografie 1/2021, Christiane Hoffmann). – „Angela Merkel davrida Germaniya jahon siyosatiga kirib keldi. U inqirozlar malikasiga aylandi - u hech qachon tasavvurga ega bo'lмаган. Uning kanslerligining so'nggida Yevropa 16 yil oldingiga qaraganda xaysizroq bo`ldi“. (SPIEGEL Biografie 1/2021, Christiane Hoffmann).

„Unter ihrer Führung hat die Institution, die sie leitet, mehr und mehr Macht erlangt. EU-Kommissionspräsidentin Ursula von der Leyen spricht mit uns über Russland, China und mehr“. (Ein Originaltext aus dem Economist.14.04.2023) – „Uning rahbarligi ostida u rahbarlik qilayotgan hokimiyat kuchayib ketdi. Yevropa Ittifoqi komissiyasi prezidenti Ursula fon der Leyen biz bilan Rossiya, Xitoy va boshqalar haqida gapirdi.“ (Economist dan original matn.14.04.2023)

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб айтиш жоизки, халқаро доирада Германия оммавий ахборот воситаларида ижтимоий-сиёсий лексиканинг давлатларапо сиёсий жараёнларда ифодаланишига, ўз аксини топишига яққол мисол сифатида қарашимиз мумкин. Зоро, Германия оммавий ахборот воситаларида ижтимоий-сиёсий лексиканинг сиёсий жараёнларни ёритища бевосита ва билвосита қўлланилиши ҳақидаги мисолларни кўп келтириш мумкин. Газета тили сиёсатдаги иштироки унинг характеристи мағкуравийликни белгилайди. Унда фаол иштирок этади ва ички ҳамда ташқи сиёсат борасида жамоатчилик фикрини шакллантириш билан бирга давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларни назоратга олади ҳамда шунинг билан бирга, оммавий ахборот воситалари давлат ғояларини тарқатувчи восита сифатида қаралади.

Публицистик матнинг оммабоплигига сабаб бўлувчи омиллардан— уларнинг ўқувчиларга мурожаат қилиш орқали эътиборни жалб қила олишидир. Шунинг билан бирга, медиа миллий тилнинг ҳозирги замондаги модели сифатида қаралмоқда.

Матбуотда публицистик услубнинг асосий шартлари сифатида тил воситаларини танлаш ва қўллашда прагматик таъсир имкониятини аниқлаш ва такомиллаштириш мумкинки бу ўз ўрнида аниқ мақсадга йўналтирилган тил сиёсатини амалга оширишга имкониятини беради.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:**

1. Бурячок А.А. Формирование общего фонда социально-политической лексики восточнославянских языков .Дисс... доктора филол.наук. –Уфа, 1984. – С.22.
2. Гершунский Б.С. Ментальность и образование: учебное пособие для студ. – М.: Ин-т. Прак. Псих, 1996. – С. 142.
3. Кремер И.Ю. Лингвистическая презентация Ментальности автора критического текста. Вестник Московского лингвистического университета. Серия. 560. – М., 2004. – С. 116.

4. Леонтьев А.А. Психолингвистические единицы порождения речевого высказывания. – М.: Наука, 1969. -С. 57- 58.
5. Мечковская Н.Б. Социальная лингвистика. – М. Аспект-Пресс, 1996. – 205 с.
6. Седых А.П. Языковая личность и этнос (национально-культурные особенности коммуникативного поведения русских и французов). – М.: Компания Спутник+, 2004. – С. 87 - 88.
7. Сепир Э. Избранные труды по языкоznанию и культурологии. – М. Прогресс. Универс, 1993. – 654 с.
8. Стернин И. А. Понятие коммуникативного поведения и проблемы его исследования. Русское и финское коммуникативное поведение. – Воронеж: Изд-во ВГТУ, 2000. – С. 20.
9. Хайруллаев, Х. (2019). Об особенностях изучения объекта речевой лингвистики. Иностранный язык: язык, литература, образование, (2 (71), 17–20. извлечено от <https://inlibrary.uz>
10. Тешабаева Д.М. Оммавий ахборот воситалари тилининг нутқ маданияти аспектида тадқиқи (Ўзбекистон Республикаси ОАВ мисолида): Филол.фунд-ри. дисс. – Тошкент, 2012. – Б. 70.
11. Wierzbicka, A. Cross-cultural pragmatics: The semantics of human interaction. – Berlin: Mouton de Gruyter, 1991. – Б.26.
12. Allgemeine Zeitung.I.Jan.1814
13. Ein Orignaltext aus dem Economist.14.04.2023
14. SPIEGEL Biografie 1/2021, Christiane Hoffmann